
ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги ўрганишлари давомида Маданият кўчасидаги “MEGA POLIMER” МЧЖ томонидан ўтган ой ишга туширилган лойиҳа қиймати 1,0 млрд сўмга тенг қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда амалга ошириш жараёнида бўлган қиймати 10,0 млрд сўмлик сунъий матолар ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳаси билан ҳам танишди.

Корхонада кунлик 4 минг рулон шиша толали изоляция материаллари, шунингдек қурилиш елиmlари ва грунтовка ишлаб чиқарилади. Келгуси йилдан лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга маҳаллий бозорда талаб юқори, хориждан ҳам катта қизиқиш билдирилмоқда. Тожикистон ва қирғизистонлик ҳамкорлар билан экспорт борасида дастлабки келишувларга эришилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-12-07 23:05:32